

Қ А Р О Р

(Маъмурий жазо қўллаш тўғрисида)

2025 йил июнь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,
раислик қилувчи: тергов судьяси А.Уринов,
судья ёрдамчиси С.Ахатовнинг котиблигида, қонуний вакил О.Имомназаровалар иштирокида, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49¹-моддаси, 183-моддаси ва 188¹-моддаси билан Ахмедова Шохсанам Улуғбек қизи (Axmedova Shoxsanam Ulug'bek qizi) ва Эркинов Шерзод Илхомжон ўғли (Erkinov Sherzod Ikhomjon o'g'li)га нисбатан юритилган 3-1301-2502/3898-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чикди.

Ахмедова Шохсанам Улуғбек қизи (Axmedova Shoxsanam Ulug'bek qizi) – 1995 йил 17 сентябрь куни Жиззах вилояти, Шароф Рашидов (Жиззах) туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилалиси билан ажрашган, 1 нафар фарзанди бор, “Гулрух” гўзаллик салоҳида ишчи, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Жиззах шаҳар, “Зилол” МФЙ, Мустақиллик кўчаси 2-уй 39-хонадонда яшайди.

Эркинов Шерзод Илхомжон ўғли (Erkinov Sherzod Ikhomjon o'g'li) – 1993 йил 20 май куни Наманган вилояти, Уйчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилалик, 3 нафар фарзанди бор, Блогерлик фаолияти билан шуғулланади, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Ш.Рашидов тумани, “Куёвбоши” МФЙ, Лойиҳадаги кўчаси 41-уй яшайди.

Суд иш материаллари билан танишиб, ҳуқуқбузарлар ва қонуний вакилнинг суддаги кўрсатувларини тинглаб, ишда тўпланган далилларга текшириб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ҳуқуқбузар Ш.Ахмедова ва Ш.Эркиновлар 2025 йил 17 июнь куни соат 17:00ларда, Жиззах шаҳар “Халқобод буюм” бозори ҳудудидаги “Мадина” гўзаллик салоҳидаги келинлик либосларини реклама қилиш мақсадида, вояга етмаган 2010 йилда туғилган С.Имомназарова, 2010 йилда туғилган С.Зокирова, 2009 йилда туғилган Ф.Ғаниева ва 2010 йилда туғилган Ш.Чимироваларни ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган, келинлик либосларини кийиб, уни реклама қилиш учун тасвирга олиб, унинг меҳнатидан фойдаланганлиги аниқланган.

Ҳуқуқбузар Ш.Ахмедов судда ҳуқуқбузарлик ҳаракатига қисман иқрорлик билдириб, 2025 йил 17 июнь куни соат 17:00 ларда блогер Ш.Эркинов билан ўзи бошқариб келаётган “Мадина” гўзаллик салоҳига олиб келинган янги келинлик



либосларини реклама қилиш учун, бир нечта қизларга келин кўйлакларини кийинтириб, Жиззах шаҳар “Халқобод буюм” бозори ва “Ўзбекистон Меҳмонхонаси” олдида айлантирганликларини, ҳақиқатдан ҳам уларни орасида С.Имомназарова, С.Зокирова, Ф.Ғаниева ва Ш.Чимировалар бўлганлигини, унинг мактаб ўқувчиси эканлигини билишлигини, блогер Ш.Эркинов реклама “Инстаграмм”да қизикроқ чиқиши учун унинг таклифи билан қизларнинг қўлларига “ЭР КЕРАК” деб ёзилган ёзувни кўтариб юришларини айтганлигини, ўзлари ёки қизлар кўчада безорилик қилмаганлигини, жамоат тартиби асосида ҳаракатланганлигини, ҳеч ким ҳуқуқбузарлик содир қилмаганлигини баён қилиб, қилмишдан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб кўрсатув берди.

Ҳуқуқбузар Ш.Эркинов судда ҳуқуқбузарлик ҳаракатига қисман иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2025 йил 17 июнь куни соат 17:00 ларда Жиззах шаҳар, “Халқобод буюм” бозорида жойлашган “Мадина” гўзаллик салоҳида ишловчи Ш.Ахмедованинг таклифи билан, у олиб келинган янги келинлик либосларини реклама қилиш учун, бир нечта қизларга келин кўйлакларини кийинтириб, Жиззах шаҳар “Халқобод буюм” бозори ва “Ўзбекистон Меҳмонхонаси” олдида айлантирганлигини, ҳақиқатдан ҳам уларни орасида С.Имомназарова, С.Зокирова, Ф.Ғаниева ва Ш.Чимировалар бўлганлигини, ўзи Ш.Ахмедовага реклама “Инстаграмм”да қизикроқ чиқиши учун қизларнинг қўлларига “ЭР КЕРАК” деб ёзилган ёзувни кўтариб юриш таклифини берганлигини, ўзлари ёки қизлар кўчада безорилик қилмаганлигини, жамоат тартиби асосида ҳаракатланганлигини, ҳеч ким ҳуқуқбузарлик содир қилмаганлигини баён қилиб, қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини билдириб кўрсатув берди.

Ҳуқуқбузар Ш.Ахмедова ва Ш.Эркиновлар ўзларининг ҳуқуқбузарлик ҳаракатларига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, уларнинг ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари қонуний вакили О.Имомназарованинг иштирокида сўроқ қилинган С.Имомназарова судда, ҳақиқатдан ҳозирда 9-синф ўқувчиси эканлигини, 2025 йил 17 июнь куни соат 17:00 ларда Жиззах шаҳар, “Халқобод буюм” бозорида жойлашган “Мадина” гўзаллик салоҳида ишловчи Ш.Ахмедованинг янги келин либосларини реклама қилишда иштирок этишни ва эвазига қимматбаҳо бонус ва совғалар беришини айтганлигини, у ва бир неча қизлар бўлганлиги, уларга блогер Ш.Ахмедова видеоролик қизикроқ чиқиши учун қўлларига “ЭР КЕРАК” деб ёзилган ёзувни кўтариб юришни айтганлигини, ўзлари ёки қизлар кўчада безорилик қилмаганлигини, жамоат тартиби асосида ҳаракатланганлигини, ҳеч ким ҳуқуқбузарлик қилмаганлигини баён қилиб берган кўрсатуви билан;

-шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид баённомалар, гувоҳларнинг тушунтириш хатлари, билдирги ҳамда судда текширилган ва ишда тўпланган бошқа далиллар билан исботланди.

Суд, ҳуқуқбузар Ш.Ахмедова ва Ш.Эркиновлар юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49¹-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилган деб ҳисоблайди.

Аммо, суд суруштирув органи томонидан ҳуқуқбузар Ш.Ахмедова ва Эркиновларга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси ва



188¹-моддалари билан нотўғри маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 307-моддасида “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддасида, “Майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик” учун жавобгарлик белгиланган.

Иш ҳужжатларида ва суд мажлисида Ш.Ахмедова ва Ш.Эркиновлар томонидан жамиятни, теварак атрофдаги фуқароларни манфаатларини яққол менсимасликдан, ахлоқ ва одоб қоидаларини эътиборга олмасликдан иборат бўлган фуқароларнинг осойишталиги ва жамоат тартибини бузувчи хатти-ҳаракатни содир этганлиги тасдиқловчи бирон бир ишончли далил аниқланмади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 188¹-моддасида “Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганлик” учун жавобгарлик белгиланган.

Қонун мазмунига кўра, шахс вояга етмаганни ўзи содир этаётган Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг Махсус қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳаракатларни (яъни, майда безорилик, оз миқдорда талон-торож қилиш, ҳақорат қилиш, маиший шилқимлик қилиш ва бошқа) содир этишга жалб қилиши ва уни ушбу ҳаракатни содир этишини исташи шарт.

Шунингдек, вояга етмаганни ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганлиги, суруштирув органи томонидан вояга етмаганга нисбатан тузилган маъмурий баённома ёки Болалар масалалари бўйича комиссияга “Болалар масалалари бўйича комиссиялар тўғрисидаги” низом асосида чора кўриш учун юбориш тўғрисидаги қарори билан намоён бўлади.

Бироқ, маъмурий ишда 2010 йилда туғилган вояга етмаган С.Имомназарова ёки бошқа вояга етмаган шахслар томонидан, бирор-бир ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари содир этганлигини тўғрисида маъмурий баённома расмийлаштирилмаган ёки Болалар масалалари бўйича комиссияга “Болалар масалалари бўйича комиссиялар тўғрисидаги” низом асосида чора кўриш учун юбориш тўғрисида қарорлар мавжуд эмас.

Бундай ҳолда суд ҳуқуқбузар Ш.Ахмедова ва Ш.Эркиновларни вояга етмаганни ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганликда айблаб бўлмайди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, инсон ва давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқлар инсон фойдасига талқин этилиши белгилаб қўйилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг 15-бандида, иш бўйича МЖТКнинг 271-моддасида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, суд маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритишни тугатиш тўғрисида қарор чиқариши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд маъмурий иш юзасидан тўпланган ҳужжатларни текшириб чиқиб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларга синчковлик билан тўла, ҳар томонлама, ҳолисона баҳо бериб, ҳуқуқбузар Ш.Ахмедова ва Ш.Эркиновларни ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси ва 188¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳодисаси ёки аломати йўқлиги сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни ушбу қисмини МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан иш юритишдан тугатишни лозим топади.

Суд, ҳуқуқбузар Ш.Ахмедовага жазо тайинлашда, унинг шахсини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ҳамда моддий имкониятини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб ҳамда ҳуқуқбузарликни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этганлигини жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, ҳаракати квалификация қилинган МЖТК 49¹-модда санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, ҳуқуқбузар Ш.Эркиновга жазо тайинлашда, унинг шахсини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ҳамда моддий имкониятини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб ҳамда ҳуқуқбузарликни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этганлигини жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, ҳаракати квалификация қилинган МЖТК 49¹-модда санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, иш бўйича томонларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида низо келиб чиқса, тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 245 ва 309-311-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :



Ахмедова Шохсанам Улуғбек қизи (Axmedova Shoxsanam Ulug‘bek qizi)га нисбатан маъмурий ишнинг Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси ва 188¹-моддаси билан юритилган қисми Ўзбекистон Республикаси МЖТК 271-моддасининг 1-бандига асосан тугатилсин.

Ахмедова Шохсанам Улуғбек қизи (Axmedova Shoxsanam Ulug‘bek qizi) Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49¹-моддаси билан ҳуқуқбузар деб топилсин.

Ш.Ахмедовга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49¹-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 (ўн беш) баравари миқдорида, яъни - 5.625.000 (*беш миллион олти юз йигирма беш минг*) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

Эркинов Шерзод Илхомжон ўғли (Erkinov Sherzod Ixomjon o‘g‘li)га нисбатан маъмурий ишнинг Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси ва 188¹-моддаси билан юритилган қисми Ўзбекистон Республикаси МЖТК 271-моддасининг 1-бандига асосан тугатилсин.

Эркинов Шерзод Илхомжон ўғли (Erkinov Sherzod Ixomjon o‘g‘li) Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49¹-моддаси билан ҳуқуқбузар деб топилсин.

Ш.Эркиновга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49¹-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 (ўн беш) баравари миқдорида, яъни - 5.625.000 (*беш миллион олти юз йигирма беш минг*) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

Иш бўйича томонларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида низо келиб чиқса, тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Қарордан норози тарафлар қарор эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, ҳуқуқбузарлар эса қарор нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судига апелляция тартибида ёхуд қарор чиқарилган кундан бошлаб олти ой ичида кассация тартибида шикоят беришлари ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:
Аслига тўғри

(имзо)

А.Уринов

